

Имом Бухорий қаламига мансуб 22 номдаги асарларнинг 3 минг 296 та қўлёзма нусхаси аниқланди



18:02 / 11.08.2023 770

Миллий матбуот марказида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 6 ойлик фаолияти ва йилнинг иккинчи ярмидаги режалари юзасидан матбуот анжумани ўтказилди. Анжуманда марказ директори Шовосил Зиёдов соҳада амалга оширилаётган ишлар бўйича маълумот берди.

Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан буюк алломаларимиз меросини ўрганиш, кенг тарғиб этиш, нуфузли халқаро марказлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида “Имом Бухорий номидаги халқаро стипендия”си танловининг хорижий тадқиқотчилардан иборат 3 нафар ғолиби марказда стажировка ўтади.

Марказ Австрия Фанлар академияси ҳузуридаги Эроншунослик институти, Қозоғистон Республикаси Р.Сулейменов номидаги Шарқшунослик институти ва Москва шаҳридаги Имом Муҳаммад ал-Бухорий номидаги мусулмонлар маҳаллий диний муассасаси билан 3 та Англашув меморандумини имзолади.

Марказ томонидан нашр қилинган китобларнинг Миср Араб Республикасининг Ал-Азҳар университети қошидаги Ислом тадқиқотлари академияси, Ал-Азҳар кутубхонаси ва Араб қўлёзмалари институти, Самарқанд шаҳрининг Регистон майдонидаги Мирзо Улуғбек мадрасасида бир қатор халқаро тақдимотлари ўтказилди.

Шунингдек, Бруней Даруссалом ислом университети ҳузуридаги Аҳли сунна вал жамоа тадқиқотлар маркази, Қирғизистон Республикаси Ўш технология университети, Туркиянинг Мармара университети, Германиянинг Гамбург университети ҳузуридаги Осиё-Африка тадқиқотлари институти билан ҳамкорликда ўндан ортиқ илмий-маърифий семинар ўтказилди.

Юртимизда китоб фондларида сақланаётган ислом таълимоти, тарихи ва маданиятига оид қўлёзма асарларни долзарблиги бўйича таснифлаш ва уларни ўрганиш, Ўрта Осиёдан етишиб чиққан мутафаккир ва алломаларнинг мамлакатимиз ва хорижий давлатларда сақланаётган асарларини жамлаш ва тадқиқ этиш йўналишида тизимли ишлар қилинди. Жорий йилнинг ярмида Имом Бухорий қаламига мансуб 22 номдаги асарларнинг 3 минг 296 та қўлёзма нусхаси дунёнинг 41 та мамлактадаги 260 та кутубхона фондларида сақланаётгани аниқланди ва давлатлар кесимида реестри тузилди.

Имом Бухорийнинг “Жомиъ ас-саҳиҳ” асарининг хорижий давлатлар қўлёзма фондларида сақланаётган 60 та қўлёзма нусхаларининг электрон варианты юклаб олинди. “Жомиъ ас-саҳиҳ” асарининг 18 та қўлёзма нусхаси ҳамда марказ фондида сақланаётган 76 та қўлёзма асар аннотацияси тайёрланиб, улардан 36 таси марказ сайтига жойлаштирилди.

Туркия, Саудия Арабистони, Ҳиндистон кутубхона фондларида сақланаётган 260 та қўлёзма асарнинг рўйхати шакллантирилди. Туркия, Япония ва Германия кутубхона фондларидаги 340 та қўлёзма асар номи, муаллифи, тури, сақланаётган кутубхоналар аниқланди ва маълумотлар асосида рўйхати шакллантирилди.

Марказ қўлёзмалар фондида сақланаётган 24 та китобнинг электрон нусхаси тайёрланди.

Улуғ аллома ва мутафаккирларимиз қаламига мансуб 17 та асар таржима ва таҳрир қилиниб, нашрга тайёрланди. Жумладан, Имом Доримийнинг “Сунани Доримий” китоби, Алоуддин Косонийнинг “Косоний эътиқоди” ва Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Абу Ҳотим Варроқ Бухорийнинг “Шамойили Бухорий” рисоалари каби 3 та китоб ва рисола нашр қилинди.

Имом Бухорий “Тарихус сағир” китоби (600 бет), “Холқу афъолил ибод вар радду алал жаҳмияти ва асҳобит таътил” китоби (150 бет), Саййид Абдулмажид Ғурий “Муъжамул мусталаҳатул ҳадисийя” (Ҳадис илми истилоҳлари энциклопедияси) китоби (500 бет), Аъло Бухорийнинг “Рисола фил ақоид”, Абу Азабанинг “Равзатул баҳийя фиймаа байнал ашъария вал мотуридия” рисоалари таржима қилинди ва нашрга тайёрланди.

Ҳайсам ибн Кулайб Шоший “Муснади Шоший” (1 жилд) китоби сайланма (300 бет), Абул Баракот Насафийнинг “Тафсири Насафий” китоби (500 бет), Абу Лайс Самарқандийнинг “Тафсири Самарқандий” китоби таржима қилинди. Шайх Мустафо Иброҳим Ҳаққийнинг “Раддул балоа бис садақа” рисоласи (60 бет), Абу Ҳафс Умар Насафийнинг “Тайсири фит тафсир” китоби (80 бет), Ваҳба Зухайлийнинг “Муслимнинг хулқи” рисоласи (50 бет), Муҳаммад Шокирнинг “Гўзал хулқ тўғрисида насиҳат” рисоласи (40 бет), Саййид Муҳаммад Алавийнинг “Ғулувга кетишнинг салбий оқибатлари” рисоласи (70 бет), Наввор ибн Шиллийнинг “Жамиятдаги салбий иллатлар ва уларнинг ечимлари” рисоласи (70 бет) каби 9 та китоб ва рисола таржима қилинди.

Н.Усмонова, ЎЗА